

ШАРТНОМА № 22520

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

«20» май 2022 йил

Тошкент т.

Ёшнар ширари агентлиги Тошкент тумани бўлими

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан

Шошди диагностика МТЖ

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган махсулот еки товар (курساتилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

| № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|----------------|---------------|---------|--------|-----------|
| 1 | ISOZOL А4 | уп | 118 | 71.200 | 8.401.600 |
| x | Жами: | x | X | x | |

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: (Саққу) ширари Тўрт 107 бўлими
(ракамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 30 (уттиз) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реқвизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги қерак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдориди «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланеди.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қодаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қодалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кунни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил « 20 » май дан 2022 йил « 31 » декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

« СОТУВЧИ »

« СОТИБ ОЛУВЧИ »

Ишонч диагностика МЧЖ
(мол етказиб берувчининг номи)

Е.И.А. Ташмоқ Туман бўғачи
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Марказий шаҳар

Манзил: Ташмоқ.б. Ташмоқ МФУ
Н.Навоий кўча 3-44

Тел./факс: _____

Ҳисоб варак: Ғажна х/р: 2340200030010001010

Ҳисоб варак: 20208000505412 63 1001

Ҳисоб варак: 100022860302277049996225001

Банк номи: _____

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.

МФО: 00991 СТИР: 308646795

МФО: 00014 СТИР: 309219834

ОКОНХ: _____

Ғажначин: 20112919

Раҳбар: _____

Раҳбар: А.И.И. Ибраҳимов

(имзо) (Ф.И.Ш)

(имзо) (Ф.И.Ш)



М.Ў. _____

Ҳуқуқшунос: _____

Маргилон шахрида жойлашган “Ишонч “ диагностика МЧЖ ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Тошлок туман булими ўртасида 20 май 2022 йил кунги тузилаётган № 22520 - сонли Товар-моддий бойликлар, хом ашё ва материалларни сотиб олиш, хизмат курсатиш тугрисидаги шартнома лойихаси юзасидан берилган

ЮРИДИК ХУЛОСА

« 30 » май 2022 йил

Фарғона шахри

Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонуни 21-моддасида кўрсатилган талабларга мувофиқ ҳолда тузилган. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши жараёнида қуйидагилар аниқлади:

Маргилон шахрида жойлашган “Ишонч “ диагностика МЧЖ ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Тошлок туман булими ўртасида 20 май 2022 йил кунги тузилаётган № 22520 - сонли Товар-моддий бойликлар, хом ашё ва материалларни сотиб олиш, хизмат курсатиш тугрисидаги шартнома лойихасида кўрсатилган муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шартнома лойихасида тарафлар ўртасидаги моддий жавобгарлик масалалари, тулов тартиби ва маҳсулотни етказиб бериш, топшириш-қабул қилиш, маҳсулот учун тулов тартиби ўзаро қилишилган ҳолда белгиланган ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид эмас.

Шартнома лойихасида кўзда тутилган шартлар ҳамда шартнома ижроси бўйича қилиб чиққан қелишмовчилик ва низоларни ўзаро музокара орқали ҳал қилишга, қелишувга эришилмаганда эса, томонлар маркур шартноманинг 9.1.банди талабида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий (хўжалик) судлари орқали ҳал қилиниши қилишилган.

Тарафлар вакилларининг шартномани имзолашга ваколатларини ҳамда иккинчи тарафлар реквизитлари ва манзиллари тўғрилигини аниқлаш тарафлар зиммасида.

Хулоса қилиш мумкинки, ушбу шартнома лойихаси амалдаги қонун ҳужжатларига мос келади.

Фарғона шаҳар «LAW POWER»
адвокатлик бюроси адвокати :



Р.К.Базаров